

«Роҳийм бўлган Роббдан «Салом» сўзи бордир» | Ақийда дарслари (303-дарс)



19:00 68

دَاذُضْ أَلَا نَعِ لِعَاغْتُمْ وَهَو
دَاذُنْ أَلَاو

«Роббингнинг сўзлари содиқлик ва адолат ила батамом бўлди»
(Анъом сураси, 115-оят).

هَذَا بِمِثْلِ يَأْتُونَ أَنْ عَلَى وَالْجِنَّ الْإِنْسُ اجْتَمَعَتْ لِيْنِ قُلْ

بِمِثْلِهِ يَأْتُونَ لَا الْقُرْءَانَ

«Сен: «Агар инсу жинлар ушбу Қуръонга ўхшаш нарса келтириш учун тўплансалар... унга ўхшашини келтира олмаслар», деб айт» (Исро сураси, 88-оят).

مِّثْلِهِ بِسُورَةٍ فَاتُوا قُلًّا

«Сен: «... унга ўхшаш бир сура келтиринг...» деб айт» (Юнус сураси, 38-оят).

Демак, Аллоҳ таоло лафз, назм ва маъно жиҳатидан Қуръонга ўхшаш нарса борлигини рад қилмоқда.

Аллоҳ таолонинг каломига қуйидаги оятлар далилдир:

تَكَلِيمًا مُوسَىٰ ۙ اللَّهُ ۙ وَكَلَّمَ ۙ ﴿١٦٤﴾

«Ва Аллоҳ Мусо ила ўзига хос гаплашди» (Нисо сураси, 164-оят).

رَبُّهُ ۙ وَكَلَّمَهُ ۙ لَمِيقَاتِنَا ۙ مُوسَىٰ ۙ جَاءَ ۙ وَلَمَّا

«Мусо мийқотимизга келиб, Робби унга гапирганида...» (Аъроф сураси, 143-оят).

دَرَجَاتٍ بَعْضُهُمْ وَّرَفَعَ اللَّهُ كَلِمَةً مِّنْ مِّنْهُمْ

«Улардан Аллоҳ гаплашгани бор ва баъзиларининг даражасини кўтарган» (Бақара сураси, 253-оят).

رَحِيمٍ رَبِّ مِّنْ قَوْلًا سَلَامٌ ٥٨

«Роҳийм бўлган Роббдан «Салом» сўзи бордир» (Ёсин сураси, 58-оят).

هَيْلَعٌ هَلَلَا يَلَصُّ هَلِوَقُو
هَنْجَلَا لَهْ أَمَنْ يَبِ مَلَسَو
مُهَلَّ غَطَسُ ذِي مِهْمِي غَنْ يَفِ
أَذِإْفِ، مُهْرَاصُ بَأُ أُوغَفَرَفِ، رُونُ
فَرُشَأُ دَقُّ هَلَّالَجُ لَجُّ بَرُّلَا
لِاقَفِ، مِهْقُ وَفُ نَمُ مِهْيَلَعِ
لَهْ أَيْ مُكْيَلَعُ مَالَسُ لَا

قَوْلًا سَلَامٌ « : هَلْ لَ الْوَقَّ وَهُ . ۛ نَجْلَا

نُوتِ فَتَلِي آلَ ف . « رَّحِيمِ رَبِّ مِّنْ

نَمَّ هِي فُ مَّهْ أُمَّ مَّ عِي شَ يَلَا

نُورُ ظُنِّي أَوْمَادِ مَّ مِي عُنْلَا

مُّهْنَعِ بَجَحْتِ حِي يُّتَحِ هِي لَلَا

«هُرُونَوُّ هُتَكَرَبِ يَقُبَاتَو

نَعُ هُرِيَعُو هَجَامُ نُبَا هَاوْرَا

يَضَرَّ هَلَلَا دُبَعِ نُبِ رَبَّاجِ

(أُمَّهْنَعُ هَلَلَا

Ва Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг «Аҳли жаннат ўз неъматлари ичида турганларида бирдан уларга нур чиқди. Улар нигоҳларини юқорига кўтариб, қарасалар, Робб жалла жалолуху уларнинг устидан қараб турибди. Бас, У Зот: «Ассалому алайкум, эй аҳли жаннат», деди. Аллоҳнинг «Роҳийм бўлган Роббдан «Салом» сўзи бордир», дегани шу.

Модомики, У Зотга қараб турар эканлар, улардан ҳижобланиб олмагунича, ўзлари ичида турган неъматлардан ҳеч нарсага бурилмайдилар, (аммо) Унинг баракаси ва нури (диёрларида) қолади», деган сўзлари.

(Ибн Можа ва бошқа имомлар Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилишган).

لَا أُؤْتِيكَ قَلِيلًا ثَمَنًا وَأَيْمَنِهِمُ اللَّهُ بِعَهْدِ يَشْتَرُونَ الَّذِينَ إِنَّ

يَوْمَ إِلَيْهِمْ يَنْظُرُونَ وَلَا اللَّهُ يُكَفِّرُهُمْ وَلَا الْآخِرَةَ فِي لَهُمْ خَلَقَ

الْقِيَامَةِ

«Аллоҳнинг аҳдини ва ўз қасамларини озгина баҳога сотадиганлар, албатта, ана ўшаларга охиратда яхши насиба йўқдир, қиёмат куни Аллоҳ уларга гапирмас, назар солмас», (Оли Имрон сураси, 77-оят).

Ушбу оятда Аллоҳ гапирмаслик ила уларни хорламоқда. Яъни шарафлантирувчи гап билан гапирмайди.

Агар Аллоҳ мўмин бандаларига ҳам гапирмайдиган бўлганида, улар билан кофирлар бир хил бўлиб қолар эдилар. У ҳолда кофирларга гапирмаслигидан фойда бўлмай қоларди.

Имом Бухорий ўзларининг «Саҳиҳ»ларида «Робб таборака ва таолонинг аҳли жаннатга каломи ҳақидаги боби» деган боб очиб, бир неча ҳадисларни келтирганлар. Аҳли жаннатлар учун энг афзал неъмат Аллоҳ

таборака ва таолонинг жамолини кўриш ва каломини эшитишдир. Каломни инкор қилиш эса жаннат роҳатини ва унинг энг олий ва энг афзал неъматини инкор қилишдир. Аслида бусиз жаннат ўз аҳлига татимайди ҳам.

Ақийдатут Таҳовия шарҳининг талхийси» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.